

# Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqsa boshlagan

## Жабобини куттаётган саболлар...

3-саҳифада  
ўқинг



26 февраль куни бўлиб ўтган телефон орқали мулокотда Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Түркия Республикаси Президенти Режеп Тайип Эрдоганин кутлугу 70 ёшга тўлгани билан дилдан кутлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни техник жihatдан тартиiba солиш тизимини ислохи килиш бўйича таклифлар таддимoti билан танишиди.

26 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёевга Узбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Хавфисзил кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида берилган топшириклар ижроси юзасидан ахборот берилди.

«Ёш китобхон» танловининг 2023 йилги мавсумида биринчи ўринни кўлга киритган китобхонларга Президент совғаси - «Кобалт» автомашинаси топширилди.

Мазкур танловда Сармаканд вилояти Жомбой тумани «Тут» маҳалласида яшовчи Наргиза Мухаммадова 10-14 ёш тоифасида иштирок этил, 417,4 балл билан мутлақ ғолиб бўлди. 15-19 ёш тоифасида Кашқадарё вилоятидан Миронзоҳ Нурматов, 20-30 ёш тоифасида Тошкент шахридан Гулҳаё Солиева 1-ўринни эгаллади.

Иктиносидёт ва молия вазирининг биринчи ўринbosari Илҳом Норкулов ва USAIDning Ўзбекистондаги миссияси директори Дэвид Хоффман ўтасида учрашув бўйли ўтди.

Иктиносидёт ва молия вазирiligida ўтказилган мазкур учрашувга ўзаро хамкорлик истикబоллари хусусида сўз юритилди. Шунингдек, унда рivojлашиш максадлари тўғрисидаги битим куриб чиқилди.



Бухоро вилояти

Ҳамкорлик

## МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгashi ҳамда Бухоро вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ўтасида согломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиши ва согломлаштириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Вилоят кенгashi раиси М.Олимов, мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Ф.Қурбонов, ҳалқ таълими ходимлари ҳамда касабa уюшмаси фаоллари қатнашган тадбирda қайд этилди, меморандум ўзаро ҳамкорликнинг мазмuni, ўнialiшлари ва тартиbinи белgilab beradi. Zero, bu йил vilojatda taytil davrida bolalarning vaqtini sermazmun ўtkazish, bilim va iktidoriyoni oshiриш, sogloomlaشتiriш оромgoҳlariiga jalb etiladigan bolalar sonini oshiриш singari қator ustuvor maқсадlari kўzda tutilgan.

**Абира ИМОМОВА,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Бухоро вилояти  
кенgashi mutaxassisasi

**«Ishonch»га жавоб берадилар**

### МАКТАБ ҚУРИЛИШИГА ЖОЙ ҚИДИРИЛЯПТИ

«Ishonch» газетасининг 2024 йил 23 январдаги сонида «Йўлдош 16 «А» пойтахтнинг ўтгай мавзесими?» сарлавҳали макola чоп этилан эди. Унда ахолининг Янгихаёт туманидаги «Йўлдош» 16 «А» мавзеси қачон ўз боғчаси, мактаби ва поликлиникасига эга бўлади?» деган мурожаати акс этганди.

Ушбу маколага Тошкент шахар курилиш бош бошқармасidan кутидаги мазмunda жавоб келди:

- Юқорида қайд этилган манзилда курилиш ишлари олиб борилаётган 5 ta кўп хонадонли тураржой биносининг 1-2-қавatlari макtabgacha taъlim taşkilioti siyatida kuriolib, давлат tasarrufiga tashkiliishi.

Тошкent шахар хокимининг 2021 йил 12 ноябрдаги 459-14-0-Q/21-sonli karoriga asosan, Toшkent шахri, Янгихaёт tumani, «Хушнуд» МФЙ, 14-йй ёнida 250 qatnolvi oйlavning poliklinika kuriish ishlari yill jildavomida якунlанига foydalaniшiga topshiriladi.

Шу билан birga, давлат dasturiga asosan, «Хушнуд» МФЙ hудudi maktab binoisiga bўlgan talab oishi boraётgani sababli, Янгихaёт tumani hokimligi bilan birgaliyda maktab binois kuriish учун er tanlash ishlari olib borilaётganini maъlum qilamiz.

**Ш.ДЎСТМУҲАММЕДОВ,**  
Toшkent шахар курилиш бош бошқармасi  
бошлиги ўринbosari, шахар бош arхitektori

«Рахбар va ёшлар» учрашувida

### Хоразм вилояти

Унда худуддаги касабa уюшmасining ўш faolllari madaniyat, sport, turizm hamda ўshlar agentligi tizimlariда mehnat kilaётgan ўsh ischi-hodimlari va viloyatdagi olyiý úkuv yurtlari talabalari ištirok etildi.

Mulokotda kasab ayoшmalari tomoniдан ўshlarни kўllab-kuvvatlasha borasida olib borilaётgan chora-tadbirlar alohiда etiilo. Xususan, tarmoq kelişuvlari, жамoа шартномalariiga ўshlar учun kўchimcha imtiёz va kafolatlar kiritilgan. Bundan tashkari, ўshlar ўrtasida sport muhababari, maъnaviy-maъrifiy tadbirlar, tanzov va saёxatlar uyoшtirilmoқda. Jumladan, «Энг namunaли ўш boшlanich tashkilot», «Энг namunaли ўш boшlanich tashkilot», «Энг яхши mehnat muхofasasi bўyicha ўsh mutahassissi», «Энг яхши mehnat muхofasasi bўyicha ўsh mutahassissi» kabi tanzovlar ўrtaşlarini rüбba chikarisha kizmat kilmokda. ўsh iktidori etagali учun grantlar akratilmoқda. Xar yili ўnlab talaba ўshlar ўзбекистон kасабa уюшmalar Federatsiya siyendisasi bilan takdirlari. Яна ўnlab ўshlar kасab ayoшmalari tizimidagi siyatgoхlarda dam olliрилади.

«Rahbar va ўshlar» учрашuvida



## ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Хоразм вилояти мусиқали драма teatrida Madaniyat, sport va turizm hodimlari kасab ayoшmalari Federatsiya raisi Otobek Musaev va Узбекистон kасab ayoшmalari Federatsiya

Хоразм вилояти kенgashi raisi Gulsova Kurbonboevanining ўshlar bilan очик мулоқoti tashkil etildi.

бу кабi тадbirlar xakiда keng mazlumatlari berib ўtildi. ўshlarни kizixtirilgan kўplab savollarga жавоб kaitariлdi.

Шунингдек, kасab ayoшmalari faoliyati hamda mamlakatimizda ўshlariga oid давлат siёsati boraga

Муҳаббат TўRABOEVA  
«ISHONCH»





Тошкент шаҳри



Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига!

## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШГУЛОТЛАРИ КЕРАКМАСИ?

Мамлакатимизда олий таълим даргохларида жисмоний тарбия машгулотлари деярли ўтказилмайди. Талабалар биринчи курснинг ярим йиллигидагина ушбу дарсларга қатнашиди, холос. Ўқув йилининг қолган қисмида ёшлар фақат назарий ва амалий сабоқларга бириклирилди.

Жисмоний харакатлар кишига тетикил ва саломатлик баҳш этади. Танаси соғлом кишининг билим олишга иштиёқи баланд бўлади. Ахир уйқусираб ўтирган талабадан кўра, кўзлари чақнаб турган, руҳан ва жисмонан тетик талабанинг маъруза тинглагани самаралироқ эмасми?

Хўш, нима учун Олий ўқув юртлари таълим дастурларида жисмоний тарбия дарслари кескин камайтирилган?

Тошкент шаҳри

Хусния ШОКИРОВА



Самарқанд вилояти

## ҚОНУН ТАЛАБИ ҚАЧОН БАЖАРИЛАДИ?

Масала кўтариб, «қўриқ» очмоқчи эмасмиз. Бу ҳақда кўп айтildи ҳам, ёзилди ҳам. Аммо қонун талабини вазирлик тизимидағи «кулогига пахта тиқиб» олган мутасаддиларга етказишмиз қийин бўляпти.

Оқибатда «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг бир қатор талаблари бажарилмасдан қолиб кетяпти.

Жумладан, қонуннинг 12-моддасида ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиш аниқ-тинқ, белгилаб кўйилган. Унда ходимларнинг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлганда, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёрларликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилиши шарт. Хўжалик хисобида фаолият юритувчи ташкилотларни кўя турайлик. Бу штат бюджетдан молиялаштирилаётган ташкилотларда ҳам жорий этилмаганига нима дейсиз? Масалан, мактаблар. Самарқанд вилояти мисолида олиб карасак, бугунги кунда таълим даргохларида ўртacha 50-90 нафаргача ўқитувчи фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар меҳнатни муҳофаза қилиш масаласи эса жамоатчиларга назоратчига юклатилган. Ваҳоланки, бу даргохлардаги қонундан белгиланган тартибида ойлик олиб ишлайдиган мутахассис лавозими жорий этилиши лозим. Аммо неча йилки, молия муассасалари томонидан турли баҳоналар рўйача килинди, штат белгиланиши ортга сурилиб келинмоқда.

«Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаби қаҷон бажарилади?

Орифжон МИЗОМОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши  
Мехнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси



Иқтисадиёт ва молия вазирлигига!

Иқтисадиёт ва молия вазирлигига!

Фарғона вилояти  
ҳокимлигига!

Фарғона вилояти

Фарғона вилояти Фурқат туманида 127 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Аммо уларнинг ҳордик чиқариши учун истироҳат боғи йўқ.

## ФУРҚАТ ТУМАНИДА ИСТИРОҲАТ БОҒИ БУНЁД ЭТИЛАДИМИ?

Шунча аҳолиси бор туманда нега одамларнинг саир қилиб, дам олиши учун истироҳат боғи ташкил этилмаган? Фурқатликлар ва уларнинг фарзандлари қаерда ҳордик чиқариб, қаерда дам олиши ҳақида туман мутасаддилари хеч ўйлаб кўрганими?

Ўзи туманда одамлар дам оладиган истироҳат боғини ташкил этиш режаси борми? Бор бўлса, фурқатликлар истироҳат боғидан қаҷон баҳраманд бўлади?

Даврон АБДУВАҲОБОВ  
Фурқат тумани



Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги  
бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон автомобиль  
йўллари давлат қўмитаси мутасаддиларига!



Навоий вилояти

## ҚАЧОНГАЧА НОҚУЛАЙ ЙЎЛЛАРНИ ДЕБ ПЕДАГОГЛАР САРСОН БЎЛАДИ?

«Тошкент - Нукус» катта магистрал йўлини Самарқанддан Навоий вилоятига бўлган қисмидаги икки томонида юзлаб умумтаълим мактаблари жойлашган. Ҳар куни эрталаб соат еттидан саккизга қадар ўқитувчilar кўлида қизил байроқча билан навбатчилик килиб, ўқувчilarни катта йўлнинг у томонидан бу томонига ўтказаётганини кўпчилик кўрган. Ҳаттоқи, хокимлар, йўл-патруль хизмати раҳбарлари, вилоят миёсдидаги катта лавозими мутасаддилар ҳам. Эҳтимол, бундай холатларга вазирлар хам гувоҳ бўлишгандир. Аммо ҳеч ким ушбу йўл атрофида жойлашган мактабларнинг ўқувчilarи, ўқитувчilarи учун ўтиш жойларини замонавийлаштириш, уларга кўул шароит яратиш ҳақида ўйламаётганини кишини ташвишлантириди.

Бундай эътиборсизлик, айниқса, киши фаслида ёш болалар, ногирон ўқувчilar ҳаётни учун катта хавф тутдиди. Кексайиб колган фуқароларимиз эса бу йўлдан бирор етакчи ёрдамисиз умуман ўтолмайди. Умуман олганда, Тошкент шаҳри билан Қорақалпогистон Республикасини боғлаб турадиган магистрал йўлнинг кесиб ўтиш жойларida кунига юзлаб баҳтсиз воқеаларнинг юз бериши оқибатида ўнлаб ватандошларидан.

Тўлқин ЎСАРОВ

Навоий шаҳри

миз ҳаётдан эрта кўз юммоқда. Саволимиз шуки, магистрал йўл атрофида жойлашган мактабларнинг ўқитувчilar ва ўқувчilarни ҳамда бошқармаси ҳамда йўловчilar учун қаҷон хавфсиз ва замонавий кесиб ўтиш жойлari ташкил қилинади? Радарлару светофорларни кўпайтириш бу масалага ечим бўладими?

Тўлқин ЎСАРОВ

Навоий шаҳри



Хоразм вилояти

## УРГАНЧ ШАҲРИДА ҲАМ ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИМИ?



Республикамизнинг барча шаҳарларида автотранспортлар сони ва ҳаракати ортмоқда. Бу муаммонинг ечимларидан бирин сифатида жамоат транспорти хизматини кенг йўлга кўйиш тақлиф килингани.

Бироқ бургун Урганч шаҳridagi автобuslарга чиксангиз, кулалигидан нокулалиги кўплигини хис қиласиз. Автобuslarda йўловчilarга чилта берилилайди. Кондуктор йўклиги туфайли пулни хайдовчiga беришига мажбурмиз. Йўлкира ҳақи 2000 сўм. Лекин кимдир 5000, кимдир 10 000 сўм пул узатади. Ҳайдовч xар бир йўловчiga қайтимларини бергунича анча вақт кетади.

Энг катта муаммо эса жамоат транс-

портлари учун тўхташ бекатлари йўклигидир. Бу борада бир неча бор қўйган муражгаётларимиз ҳамон ечим топмасдан келмайди. Автобusлар хоҳлаган жойида тўхтайди. Йўловчilar олади, йўловчи туширади. Бу, биринчидан, йўл ҳаракатига халактит қилиди, иккинчидан, вақт исроф бўлади. Тафкорлар хоҳишига кўра курилган «Ақсли бекатлар» эса ҳамиша кулф. Устига устак, бу бекатларнинг жойлашуви транспортлар тўхташи учун қулий эмас.

Айтинг-чи, Урганчда жамоат транспорти қатнови қаҷон тартибига солинади?

Юнусбек РЎЗМЕТОВ

Урганч шаҳри



Қашқадарё вилояти

Сир эмас, футболни ривожлантириш учун сифатли майдонлар зарур. Футболчилар сифатли майдонда шугулланса, ўйнаса, ижобий титика бўлади. Ўйинчиларда бор маҳоратини на мойиш этиши, техник ва тактик томондан ўсишга эриши имкони олади. Аммо бизда сунъий ва табиии қопламали майдонларни тайёрлаш борасида асосан хориж компаниялари хизматидан, техника ва технологияларидан фойдаланишида.

## ЯШИЛ МАЙДОНЛАР ЧИМИ ҚАЧОН ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАДИ?

Натижада салмоқли маблағ четга чиқиб кетмода. Адашмасам, суперлига жамоаларининг деярли ярми ҳар майдон чимини алмашибиди. Баъзи жамоаларимиз стадиони чими тайёр бўлмагани учун учрашувларни бошқа шаҳарларда ўтказишмоқда.

Шундай экан, Ўзбекистонда ҳам футбол майдонларини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш бўйича корхона ташкил этиши вакти келди! Қаҷонгача миллиардлаб сўм пул четга чиқиб кетади?

Бу фақат менинг эмас, кўплаб ишқибозларнинг дилидаги гап. Чунки профессионал футбол клубининг асосий стадионидан ташқари 4-5 та сифатли машгулот майдони бўлиши зарур. Бундан ташкири, жисмоний тайёрларликни маромига етказиш учун шаҳар четроғида ёки тоғли худудда ҳам майдонларга эхтиёж бор. Академияларда ҳам камида тўртта сифатли майдон бўлса, нур устига нур. Буларга эса жуда катта маблағ сарфланади.

Хомийлар, футбольга ажратилётган маблағлар хисобидан битта каттароқ корхона ташкил килинса. Унинг негизидаги лабораторияда вилоятлар, худудлар иклими ўрганилиб, бизнинг кўшга, ёмғирга чидамли майдонлар тайёрлаш бўйича таҳлиллар ўтказилса. Шунга кўра, майдонлар тайёрланса эди. Агар стадион чими, технологияси ўзимизда ишлаб чиқарилса, нархи ҳам арzon бўларди, албатта.

Мустафо ЭРГАШЕВ

Чироқчи тумани

Тошкент вилояти ҳокимлигига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги «Чавандозлар мактаби фаолиятини ташкил этиши чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарорининг 7-бандинда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларлари зиммасига Чавандозлар мактабларини ташкил этиши учун ер майдонлари акратиш вазифаси юкланди.

## ЧАВАНДОЗЛАР МАКТАБИ ҚАЧОН ҚУРИЛАДИ?

Карорга мувоғик, Тошкент вилояти Чавандозлар мактаби учун ҳам зарур бўлган ер майдони Нурафшон шаҳridagi «Наврӯз» маҳалла фуқаролар йиғини худудидан ажратилган. Шунингдек, унда мактаб учун зарур бино ва шарт-шароитларни яратиш ҳам кўзда тутилган. Бироқ у ерда 2021-2022 йилларда курилиши керак бўлган бино иккни йилдан бўён пайсалга солиб келинмоқда. Айни пайдада Миллӣ Гвардия Тошкент вилояти бошқармаси ичкарисида фаолият юритаётган. Чавандозлар мактабига кириш ва чиқиш тизими каттый талабларига мос келмаслиги ҳақидаги эътирозлар пайдо бўлмоқда.

Чавандозлар мактабига ажратилган ерда мактаб биноси қаҷон қуриб, фойдаланишга топширилади?

Нигора РАҲИМЖОНОВА

Нурафшон шаҳри

Хоразм вилояти ҳокимлигига!



